

УДК: 657.382.6(575.1)



<https://dx.doi.org/10.36522/2181-9637-2019-2-3>

ҲУДУДЛАРНИНГ ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ УЧУН ИЧКИ РЕСУРСЛАРНИ АНИҚЛАШ

Мамасоатов Дилшод Равшанович

ТДИУ ҳузуридаги «Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари» илмий тадқиқот маркази кичик илмий ходими

Аннотация. Мақолада ҳудудларнинг шилаб чиқарии даражаси, ички ресурслари, экспорт салоҳияти ва мавжуд муаммолари ўрганилган. Юқоридаги масалалар Самарқанд вилояти мисолида таҳлил қилинган ва шу орқали экспортни ривожлантишишнинг асосий йўналишлари кўрсатиб ўтилган.

Таянч тушунчалар: экспорт, ташқи савдо, тадбиркорлик субъектлари, экспорт салоҳияти, ички ресурслар, технология, инфратузилма, инвестиция.

ОПРЕДЕЛЕНИЕ ВНУТРЕННИХ РЕСУРСОВ С ЦЕЛЬЮ ПОВЫШЕНИЯ ЭКСПОРТНОГО ПОТЕНЦИАЛА РЕГИОНОВ

Мамасоатов Дилшод Равшанович

младший научный сотрудник Научно-исследовательского центра «Научные основы и проблемы развития экономики Узбекистана» при Ташкентском государственном экономическом университете

Аннотация. В статье изучены уровень производства, внутренние ресурсы, экспортный потенциал регионов и существующие в них проблемы. Также, на примере Самарканской области, проанализированы вышеупомянутые вопросы и приведены основные направления развития экспорта.

Ключевые слова: экспорт, внешняя торговля, хозяйствующие субъекты, экспортный потенциал, внутренние ресурсы, технологии, инфраструктура, инвестиции.

DETERMINING OF INTERNAL RESOURCES WITH THE VIEW OF INCREASING THE EXPORT POTENTIAL OF THE REGIONS

Mamasoatov Dilshod Ravshanovich

Junior Researcher, Scientific Research Center «Scientific basis and issues of the economic development of Uzbekistan» at the Tashkent State University of Economics

Annotation. The research is focused on determining the production level, export potential and the volume of internal resources of the regions. The study has identified the problems of the regions and proposed the ways of their solution. The case of Samarkand region has been studied to review the above listed development aspects of the region. In this regard, the main areas of export extension were put forward.

Key words: export, foreign trade, business entities, export potential, domestic resources, technologies, infrastructure, investments.

Бугунги кунда ҳудудларда мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш ва экспорт қилишга қаратилган чора-тадбирлар жадал суръатларда олиб борилмоқда. Мавжуд ресурсларни аниқлаш ва улардан иложи борича самарали фойдаланиш, бунинг учун соҳада агротехнологияларни қўллаш, маҳсулотларни сақлаш ва қайта ишлаш бўйича фермерлар тажрибасини янада ошириб, жорий йил учун дехқонларимиз оддига қўйилган вазифаларни бажаришда амалий ёрдам бериш йўли билан кўзланган мақсадларга эришиш мумкин. Бу эса халқимиз етиштирган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини нес-нобуд қилмасдан сақлаш, мева-сабзавот маҳсулотларига бўлган талабини тўла-тўкис қондириш, шуниндек, экспорт қилиш салоҳиятини оширишга олиб келади.

Худудларда бевосита мева-сабзавот маҳсулотлари соҳасига доир илғор хорижий тажрибалардан самарали фойдаланиш янгилик ва инновацияларни жорий этишга, бу соҳада кадрлар касбий малака сифатини оширишга қаратилади.

Бугун ҳудудларда ишлаб чиқаришни кенгайтириш, мева-сабзавотчиликни интенсив ривожлантиришга доир лойиҳаларни амалга ошириш учун экин майдонлари сезиларли равишда кенгайтирилди, мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш бўйича қўшимча қувватлар ишга туширилди, молиявий ресурслар, жумладан, халқаро молия институтлари маблағлари фаол равишда жалб этилмоқда.

Президентимиз томонидан «Мева-сабзавот маҳсулотларини ташқи бозорларга чиқариш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги қарори ҳам қабул қилинди [1]. Қарорда мамлакат экспорт салоҳиятини кенгайтириш, мева-сабзавот маҳсулотлари экспортининг тўлақонли ривожига тўсқинлик қилаётган ғовларни бартараф этиш, экспорт фаолиятининг давлат томонидан қўллаб-қувватланишини такомиллаштириш, шунингдек, маҳаллий мева-сабзавот маҳсулотларини ташқи бозорларга чиқаришнинг комплекс тизимини яратиш белгиланди. Унга кўра юридик шахслар – мева-сабзавот маҳсулотларини экс-

порт қилувчилар мева-сабзавот маҳсулотлари экспортини дастлабки тўловсиз, аккредитив очмасдан, банк кафолатини расмийлаштирумасдан ҳамда экспорт шартномасини сиёсий ва тижорат хавфларидан сугурта полисисиз амалга ошириш ҳуқуқига эгадирлар. Шу билан бирга, экспорт қилинадиган мева-сабзавот маҳсулотлари божхона кўригидан ўтказилмайди, божхона қонун ҳужжатлари бузилиши хавфи белгилари аниқланган ҳолатлар бундан мустасно. Бундан кўриниб турибдики, тадбиркорлик субъектлари экспорти учун ҳукуматимиз томонидан кенг имкониятлар яратиб берилмоқда.

Юртимизда етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари аҳоли жон бошига ҳисоблайдиган бўлсак, қарийб 300 кг сабзавот, 75 кг картошка ва 44 кг узумни ташкил этади. Бу кўрсаткич оптималь, яъни мақбул деб ҳисобланадиган халқаро истеъмол меъеридан уч баробар кўпdir. Ўз-ўзидан маълум бўладики, мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бўйича ички ресурсларимиз етарли даражада ва экспорт қилиш имкониятимиз ҳам анча юқори ўринлардан бирини эгаллади.

Шу билан бирга, хорижда мева-сабзавот маҳсулотлари бозорларидағи юқори даражадаги рақобат агротехника, ишлаб чиқариш ва маҳсулот етказиб бериш жараёнларини бошқаришнинг замонавий услубларини жадал равишда жорий этишни талаб қилмоқда.

Бу борада Фермерлар кенгаши, Қишлоқ хўжалиги ва Сув хўжалиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги билан бирга ҳамкорликни кучайтириш, фермерларни ўқитиш ва қайта тайёрлаш дастурларини ишлаб чиқиш лозим.

Шу жиҳатларни инобатга олган ҳолда, қишлоқ хўжалиги вазирлиги мамлакатимизда мева-сабзавот етиштириш бўйича кластер тизими қандай ҳолатда эканини чуқур таҳдил қилиб, 2019 йил 1 марта қадар бу борадаги мавжуд тўсиқларни бартараф этишга доир таклифларни киритиши белгилаб берилди [2].

Авваламбор, ҳудудлардаги мавжуд ички ресурсларни аниқлаш ва бу борадаги муаммоларни ўрганиб чиқиб, уларни бартараф этиш

орқали экспорт салоҳиятини ошириш имкониятларини кўриб чиқиш зарур.

Ички ресурсларга эътибор берадиган бўлсак, ресурсларнинг етарли даражадалиги ва ҳудудларнинг экспорт борасидаги имкониятлари ҳам йилдан-йилга жадал ўсиб бормоқда.

Ички ресурсларимизни аниқлашда юртимиз ҳудудларида етиштирилаётган турли мева ва резаворлар майдони, ялпи ҳосили ва ҳосилдорлиги бўйича мавжуд кўрсаткичларни вилоятлар мисолида оладиган бўлсак,

Самарқанд вилояти бу борада энг юқори натижани қайд этмоқда (1-жадвал). Аксинча, бу ҳудудда ҳосилдорлик кўрсаткичлари анча паст. (Республикада 6-ўринда). Фарғона (261,3), Бухоро (228,8), Андіжон (205,7) ва Хоразм (199,1) вилоятларида эса ҳосилдорлик кўрсаткичи анча юқори [3].

Вилоятларда ҳосилдорликни ошириш йўлларини ишлаб чиқиш натижасида экспортга чиқариладиган мева ва резаворлар салмоғини қўпайтириш имкони юзага келади.

1-жадвал

Мевалар ва резаворларнинг майдони, ялпи ҳосили ва ҳосилдорлиги, 2017 й.

Барча тоифадаги хўжаликлар				
	Барча ёшдагилар, га	шу жумладан, ҳосил берадиган ёшдагилар, га	Йигилган ялпи ҳосил, жами, тонна	Ҳосилдорлиги, (ҳосил берадиган ёшдаги майдондан), ц/га
Ўзбекистон Республикаси	271 620	220 997	2 614 916	118,3
Қорақалпогистон Республикаси	5 493	4 514	47 005	104,1
Андижон	31 202	27 647	568 706	205,7
Бухоро	12 764	11 785	269 588	228,8
Жиззах	15 190	10 891	86 969	79,9
Қашқадарё	20 557	17 320	163 378	94,3
Навоий	6 352	5 803	98 348	169,5
Наманган	27 902	24 950	241 593	96,8
Самарқанд	39 612	31 505	384 989	122,2
Сурхондарё	16 472	12 996	137 416	105,7
Сирдарё	7 280	4 900	43 852	89,5
Тошкент	7 053	6 362	52 539	82,6
Фарғона	6 364	6 356	166 078	261,3
Хоразм	4 862	4 760	94 769	199,1
Тошкент ш.	991	937	1 712	18,3

Бу борада нафақат жаҳон, балки юқори ҳосилдорликка эга вилоятлар тажрибасидан ҳам ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Шунга кўра, Самарқанд вилоятида етиштирилган мева ва сабзавот маҳсулотлари ҳосилдорлигини яхшилаш бўйича амалий ишларни олиб бориш лозим. Бунинг учун қишлоқ хўжалиги технологияларидан яхши хабардор, замонавий ишлаб чиқариш ва инновацион усулларни биладиган фермерлар бизга сув билан ҳаводек зарур.

Вилоятда сабзавотларнинг ялпи ҳосили ва ҳосилдорлиги ҳам бошқа вилоятларга нисбатан анча юқоридир (2-жадвал).

Жадвалдаги маълумотларга асосланниб, сабзавотларнинг ҳудудлардаги ялпи ҳосилга эътибор берадиган бўлсак, Самарқанд вилояти барча тоифадаги хўжаликлар бўйича 1786501 тонна ҳосил етиштириш бўйича республикада етакчи ўриндадир. Бундан кўринадики, ушбу вилоят сабзавотларнинг экспорт салоҳияти борасида ҳам етакчилик қўлмоқда.

Вилоядта қишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулотлари етиширишни 2017 йил мисолида олиб қарайдиган бўлсак, ижобий ўзгаришлар кузатилганига гувоҳ бўламиз. 2017–2018 йиллар оралиғида ҳудудий экспорт

салоҳитида саноат маҳсулоти, қишлоқ хўжалиги экспортининг бажарилиш борасида Самарқанд шаҳри ва 4 та сектор доираси режада, амалда ва унинг бажарилиши таҳдил қилинди (3-жадвал).

3-жадвал

Ҳудудий экспорт салоҳияти (минг АҚШ долл экв.)

Ҳудуд (сектор)	Режа	Амалда	Ижроси		2017 йил амалда	Фарқи	
			(+/-)	%		(+/-)	%
Вилоят бўйича:	342 577	237 654	-104 923	69,4%	194 139	+43 515	122,4%
саноат маҳсулоти	112 441	94 759	-17 682	84%	62 340	+3 2419	152,0%
қишлоқ хўжалги	230 136	142 895	-87 242	62%	131 800	+11 095	108,4%
Самарқанд ш.:	58 189,6	51 591,3	-6 598,3	88,7%	39 743,2	+11 848,1	129,8%
саноат маҳсулоти	39 368,6	40 862,3	1 493,7	103,8%	28 153,7	+12 708,6	145,1%
қишлоқ хўжалги	18 821,0	10 729,1	-8 091,9	57,0%	11 589,5	-860,4	92,6%

шундан,

1-сектор	14182,6	18 760,0	4 577,4	132,3%	3 439,6	15 320,4	545,4%
саноат маҳсулоти	10361,6	14 603,9	4 242,3	140,9%	2 547,7	12 056,2	573,2%
қишлоқ хўжалги	3821	4 156,1	335,1	108,8%	891,9	3 264,2	466,0%
2-сектор	22365	17 739,6	-4 625,4	79,3%	22 071,4	-4 331,8	80,4%
саноат маҳсулоти	15365	14 249,1	-1 115,9	92,7%	14 906,4	-657,3	95,6%
қишлоқ хўжалги	7000	3 490,5	-3 509,5	49,9%	7 165,0	-3 674,6	48,7%
3-сектор	2630	2 085,3	-544,7	79,3%	2 497,5	-412,2	83,5%
саноат маҳсулоти	2630	2 019,4	-610,6	76,8%	1 824,2	195,3	110,7%
қишлоқ хўжалги		65,9	65,9			65,9	
4-сектор	19012	13 006,4	-6 005,6	68,4%	11 734,7	1 271,7	110,8%
саноат маҳсулоти	11012	9 989,8	-1 022,2	90,7%	8 070,0	1 919,9	123,8%
қишлоқ хўжалги	8000	3 016,5	-4 983,5	37,7%	3 664,7	-648,2	82,3%

Манба: Самарқанд вилоят статистика бошқармаси асосида муаллиф ишланмаси

Таҳдил натижасига кўра, 2018 йилнинг январь-декабрь ойлари режасига мувофиқ, 33 та корхона томонидан 58 млн 189,6 минг долларга экспорт қилиниши белгиланган бўлиб, ҳақиқатда 72 та корхона томонидан 51 млн 591,0 минг долларлик экспорт амалга оширилди (йиллик прогнозга нисбатан қолоқлик -6,6 млн доллар ёки ижроси 88,7 фоиз).

Саноат маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича 24 та корхона учун белгиланган 39 млн 368,6 минг долларлик прогноз ҳақиқатда 43 та корхона томонидан 40 млн 862,3 минг доллар ёки йиллик прогноз 103,8 фоизга бажарилди (йиллик режага нисб. +1 млн. 493,7 минг долларга кўп);

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича 9 та корхонага белгиланган 18 млн 821,0 минг долларлик прогноз ижроси натижасида 30 та корхона томонидан 10 млн 729,1 минг долларлик экспорт амалга оширилди (йиллик прогнозга нисб. 57,0 фоиз ёки -8,1 млн. долларга кам).


2018 йилда режадан ташқари 41 та янги корхона экспорт фаолиятига жалб қилиниб, уларнинг экспорт ҳажми 11,6 млн доллар (шундан, саноат маҳсулотлари йўналишида 20 та янги корхона томонидан 3,9 млн доллара қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти йўналишида 21 та янги корхона томонидан 7,7 млн долл.)ни ташкил этди.

Экспорт географияси дунёнинг 34 та давлатини қамраб олиб, жорий йил ҳисобидан 3 та, яъни Австрия, Болгария ва Саудия Арабистони билан кенгайтирилди ҳамда экспортга йўналтириладиган маҳсулот тури ўтган йилги 28 тадан жорий йилда 32 тага етказилди (жумладан, вольфрам, елим (клей), қуруқ аралашма (шпатлёвка) маҳсулотларини экспорт қилиш йўлга қўйилди).

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 2018 йилнинг II чорагидан бошлаб иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг жорий иқтисодий ҳолати ва истиқболдаги натижасини ўрганиш юзасидан даврий (чораклик) сўров ўtkазиш йўлга қўйилди. Сўровда жами 433 та корхона ва ташкилотлар қамраб олинган бўлиб, уларнинг 112 таси (25,8 фоизи) озиқ-овқат саноати, 58 таси (13,4 фоизи) енгил саноат, 55 таси (12,7 фоизи) савдо ва умумий овқатланиш, 38 таси (8,7 фоизи) қурилиш материаллари саноати, 31 таси (7,2 фоизи) тиб-

бий хизмат соҳаси, 29 таси (6,7 фоизи) туризм соҳаси, 27 таси (6,3 фоизи) транспорт соҳаси, 27 таси (6,3 фоизи) қурилиш ишлари соҳаси, 11 таси (2,5 фоизи) кимё саноати, 10 таси (2,5 фоизи) нефть-газ саноати ҳамда қолган 35 таси (8 фоизи) электроэнергетика, донни қайта ишлаш, тоғ-кон саноати, автомобиль саноати, фармацевтика ва кабель маҳсулотлари тармоқларида фаолият юритади. Сўров натижалари сўнгги чорақда экспорт фаолияти билан шуғулланган респондент корхона ва ташкилотлар улуши III чоракдаги 35 фоиздан 32 фоизгача камайганлигини кўрсатди[4].


Бунда, тармоқлар кесимида қаралганда, экспорт фаолияти билан шуғулланувчи корхона ва ташкилотлар улушкининг сўнгти чорақда III чоракка нисбатан камайиши, асосан, енгил саноат, озиқ-овқат саноати, кимё саноати ҳамда транспорт хизмати соҳасида юзага келган (1-расм).



1-расм. Экспортёр корхона ва ташкилотлар экспорт ҳажмининг жами ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажмидаги (ишлар, хизматлар) улуши

Худудлар кесимида, сўровда қатнашган корхона ва ташкилотлар умумий сонида Тошкент шаҳрининг улуши қарийб 10 фоиз, Самарқанд ва Тошкент вилоятлари улуши мос равища 9,2 ва 9 фоиз, Фарғона вилояти

улуси 8,1 фоиз, Қашқадарё вилояти улуши 7,6 фоиз, Бухоро вилояти улуши 6,9 фоиз, Қорақалпогистон Республикаси, Андижон ва Навоий вилоятлари улуши 6,7 фоизни ташкил қиласди (2-расм).




2-расм. Корхона ва ташкилотларнинг ҳудудлар бўйича тақсимланиши

Манба: Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотларидан фойдаланилди

Шу билан бирга, экспортёр корхона ва ташкилотлар экспорт қилаётган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)нинг жами ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ҳажмидаги улуши ўтган чоракка нисбатан деярли ўзгаришсиз қолган бўлиб, IV чоракда сўровда қатнашган экспорт фаолияти билан шуғулланувчи корхона ва ташкилотларнинг 70 фоизида (III чоракда 71 фоизида) экспорт ҳажмининг жами ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар (хизматлар) ҳажмидаги улуши 40 фоиздан ошмаган (2-расм).

Шунингдек, сўнгги сўров натижалари 2018 йилнинг IV чораги мобайнида реал сектор субъектлари экспорт фаолиятининг аввалги чоракка нисбатан сустлашганлигини кўрсатмоқда. Жумладан, маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) экспорти ҳажми ошганлигини маълум қилган экспортёр корхона ва ташкилотлар улуши III чоракдаги 50 фоиздан IV чоракда 49 фоизгача камайган бўлса, экспорт ҳажмининг камайганлигини қайд этган респондентлар улуши 12 фоиздан 16 фоизгача ошган (3-расм).




2-расм. Экспорт ҳажмларининг ўзгариши бўйича жавобларнинг тақсимланиши

Хусусан, тармоқлар кесимида қаралғанда, экспорт ҳажмининг IV чоракда III чоракка нисбатан камайғанлигини маълум қылған корхоналар, асосан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш ва қайта ишлаш соҳасида, енгил саноатда, кимё саноатида, транспорт ҳамда ту-

ризм хизмати соҳасида кузатилган.

Экспорт ҳажмининг ўсиши IV чоракда экспортёр корхона ва ташкилотларнинг 50 фойзида 1-8 фоиз оралиғида (III чоракда 44 фойзида), 27 фоизида эса 9-16 фоиз оралиғида (III чоракда 35 фоизида) кузатилган (3-расм).



3-расм. Экспорт ҳажмининг ўсиши бўйича жавобларнинг тақсимланиши

Шунингдек, экспорт ҳажми ўсишига тўсқинлик қилаётган омиллар ўрганилганда, сўров натижалари ташқи бозорларда талабнинг пастлиги, ички транспорт харажатлари-

нинг юқорилиги ҳамда маҳсулотларни (иш, хизматлар) экспорт қилиш тартиб-тамойилларининг мураккаблиги билан боғлиқ ҳолатнинг нисбатан ёмонлашганлигини кўрсатмоқда.



4-расм. Экспорт ҳажмининг ўсишига тўсқинлик қилаётган омиллар бўйича жавобларнинг тақсимланиши

Хусусан, экспорт ҳажми ўсишига тўсқинлик қилаётган омил сифатида ташқи бозорларда маҳсулотга талабнинг пастлигини маълум қилган респондентлар улуши III чоракдаги 17 фоиздан IV чоракда 24 фоизгача ҳамда экспорт қилиш тартиб-тамойилларининг мураккаблигини маълум қилган респондентлар улуши 14 фоиздан 16 фоизгача ошган (4-расм).

Шу билан бирга, экспорт ҳажмининг ўсишига тўсқинлик қилаётган омил сифатида транспорт харажатларининг юқорилиги ҳамда ташқи бозор конъюнктураси бўйича маълумотларнинг етарли эмаслигини кўрсатган респондентлар сони III чоракка нисбатан камайган.

Бундан келиб чиқадики, ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш билан боғлиқ муаммоларни зудлик билан бартараф этиш зарур. Жумладан;

- ташқи бозорларда маҳсулотга бўлган талабни ўрганиб чиқиш;
- экспорт қилиш тартиб-тамойилларини соддалаштириш;
- экспорт қилишда транспорт харажатларини камайтириш бўйича чоралар ишлаб чиқиш;
- ташқи бозор конъюнктураси бўйича маълумотларни тақдим қилишда ҳудудлар бўйича инновацион консалтинг хизматларини йўлга қўйиш;
- экспортёр корхоналар учун интерактив хизматларни ривожлантириш;
- фермер хўжаликлари раҳбарлари ва

соҳа ходимларини мева-сабзавотчиликка ихтисослаштирилган замонавий агротехнологиялардан самарали фойдаланиш ҳамда илмий-тадқиқот фаолиятини мунтазам ривожлантириб бориш;

- мева-сабзавотчиликда агротехнологик жараёнларни тизимли ташкил этиш ва уларни самарали бошқаришни йўлга қўйиш.

Юқорида берилган таклифлардан шуни хуроса қилиб айтиш мумкинки, ҳудудларни, шу жумладан, Самарқанд вилоятининг ишлаб чиқариш имкониятларидан самарали фойдаланиш жараёнидаги муаммоларни бартараф этиш орқали экспорт салоҳиятини ҳам оширишга эришиш мумкин. Таҳдил қилинган жараёнлар шуни кўрсатадики, вилоятнинг экспорт имкониятлари анча кенг. Экспортни ривожлантиришнинг асосий омиллари сифатида, энг аввало, ички ресурсларни аниқлаш орқали мавжуд имкониятлардан фойдаланган ҳолда маҳсулотларни етиштиришни ривожлантириш, ҳосилдорликни ошириш борасидаги чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва шу орқали ташқи савдони янада жадаллаштириш зарур.

Бундан ташқари, экспортёр корхоналар олдида турган муаммоларни ҳудуд доирасида кўриб чиқиб, тадбиркорлик субъектлари учун замонавий интерактив хизматларни ривожлантириш чораларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Манба ва адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мева-сабзавот маҳсулотларини ташқи бозорларга чиқарии самараадорлигини оширишига доир қўшиимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПҚ-4239 сонли қарори. 2019 йил 14 марта. www.lex.uz.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. www.president.uz
3. Самарқанд вилояти статистика бошқармаси маълумотлари. www.samstat.uz.
4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки иқтисодиёт реал сектори корхоналари билан ўтказилган сўров натижалари 2018 йил IV чорак.

Тақризчи:

Б.Беркинов, и.ф.д., проф., Тошкент давлат иқтисодиёт университети